



# СССР СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

## Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бosh нашри

РУЗНОМА 1918 йил 21 июндан ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 156 (21. 023) 1991 йил 14 август, chorshanba ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.



# ЁН ҚЎШНИЛАР—ЖОН ҚЎШНИЛАР

### БУГУН ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН, ҚОЗОҒИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН, ТОЖИКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ЖУМҲУРИЯТЛАРИ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ КЕНГАШИ ОЧИЛАДИ

Бешта баҳайбат шохли ям-яшил чинор устида порлаб турган қуёш Урта Осиёдаги гўрт республика ва Қозоғистоннинг рамзидир. Минтақа республикалари Президентларининг 13 август кунини Ўзбекистон пойтахтида бошланган учрашувининг рамзий нишони ана шундай.

ТОШКЕНТДА халқаро музокаралар, анжуманлар, фестиваллар кўп марта ўтказилган. Хатто тинчлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка интилишни ифодалайдиган «Тошкент рухи» нбораси ҳам пайдо бўлган.

Маана энди Ўзбекистон пойтахти Қозоғистон ССР, Қирғизистон Республикаси, Туркменистон ССР ва Тожикистон ССРнинг катта делегацияларини қабул қилмоқда. Улар Ўзбекистон ССР делегацияси билан биргаликда ўтган йили Олмаотада имзоланган ҳужжатлар қандай бажарилаётганини муҳокама қилди.

Иқтисодий соҳасидаги ҳамкорлик муваффақиятлик давом этмоқда. Урта Осиё минтақаси ва Қозоғистоннинг географик мавқеи ва ўзига хос хусусиятлари ўзаро манфаатли мустақам ҳамкорлик тақозо этади. Ҳозирги пайтда халқ ҳўжаллигида Ўзбекистоннинг қўшни республикалари ва Қозоғистон билан амалий шериклик қилмаётган бирор тармоғини топши қийин. Маана, бир неча миносл. Қўшни республикаларга пахта териш машиналари, трансформаторлар, «Средаэлектрорпарат» иш-

лаб чиқариш бирлашмасининг мақсулотлари, бошқа ўнлаб корхоналарнинг мақсулотлари юборилмоқда. Ўз навбатда Олмаотадаги «Сред азнергострой» трести қурувчилари Ўзбекистонда барпо этилаётган иссиқлик электр станцияларида мураккаб монтаж ишларини бажардилар. Туркменистонлик гиламдўз усталар бу ноёб ҳўварни Ўзбекистонликларга ўргатдилар. Тошкентдаги кўпгина корхоналарнинг дам олиш ўйлари ва пансионатлари Қирғизистондаги ажойиб Иссиқкўл соҳилида жойлашган.

Фақат шунинг ўзи эмас. Аслида минтақада бир неча тармоқларда иқтисодий муносабатларнинг ягона тизими вужудга келди. Урта Осиё бирлашган энергия тизими, деярли барча қўшни республикаларга хизмат қилаётган Урта Осиё темир йўли ана шундай тизимлардандир.

Янги Иттифоқ шартномасини муҳокама қилиш беш Президентнинг музокараларида муҳим ўрин тутди. Шу йилнинг март ойида бўлиб ўтган Умумиттифоқ референдумида минтақадаги барча республикалар аҳолисининг мутлақ кўпчилиги, маълумки, янгиланган Иттифоқни сақлаб қолишни ёқлаган эди.

ТОШКЕНТ аэропорти байрамлардагидек безатилган. СССР Давлат байроғи, Урта Осиё республикалари ва Қозоғистон давлат байроқлари қилпираб турибди, ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик, рус тилларида ёвдланган табриқ шорларини илби қўйилган.

Маана, самолёт қўниш майдонига бурилмоқда, унда Тожикистон ССР Президентини Қ. Маҳқамов бошчилиги-



даги республика делегацияси Тошкент учрашувига келди. Ўзбекистон пойтахтига изма-из Туркменистон ССР Президенти С. А. Ниязов бошчилиқ қилаётган Туркменистон делегацияси етиб келди. Орадан кўп вақт ўтмай Қозоғистон делегацияси аъзолари тушган самолёт қўнади, бу делегацияга Қозоғистон ССР Президенти Н. А. Назарбоев бошчилик қилмоқда. Кенгаши Қирғизистон Республикасининг Президенти А. Акаев бошчи Қирғизистон делегацияси ҳам етиб келди. Юқори мартабали мўмонларини самолёт пиллапоиси олдида Ўзбекистон ССР Президентини И. А. Каримов, республика вице-президенти Ш. Р. Мирсатидов, республика Олий Кенга-

шининг Раиси Ш. М. Муллошев, Ўзбекистон делегациясининг бошқа аъзолари табриқлаб кутиб оладилар. Миллий кийимдаги қизлар азиз мўмонларга гуллар тақдим этадилар. Шундан сўнг автомобиллар кортежи Тошкент кенгаши қатнашлари учун акратилган боргоҳга йўл олди.

Учрашувга Озарбайжон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг Бош вазири Г. А. Гасанов бошчилигидаги Озарбайжон делегацияси ҳам келди.

Қозоғистон Президентини Н. А. Назарбоев аэропортда УЭТАГ мухбирларининг саволларига жавоб қайтарди. Қозоғистон бошлиғи, жумладан, Иттифоқ шартномасини имзоламоқчи бўлаётган республикаларнинг шундан кейин нима бўлади деб ўйлайдиган пайти келди, деб таъкидлади. Тузилмаларни тубдан ўзгартириш бошланадими, улар иқтисодий боши берк кўчадан чиқариб олишга қодирми? Булар ҳозирги пайтда энг муҳим масалалардир. Бироқ, ушбу ҳўжатни имзоланганга санақчи қуналар қолганга қарамай, мулкни давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш каби ўткир муаммо шу вақтгача ҳал қилинган эмас.



Урта Осиё республикалари ва Қозоғистон ҳозир дотация оладиган республикалар бўлиб қолди. Ленин бу минтақалардан одамлар ишлагани билмайди деган гап эмас. Муаммо бошқа жиҳатда — уларнинг иқтисодий хом ашё етиштиришга қаратилганлигига хотима берадиган пайт кел-

### Ҳиндистон республикасининг Президенти Рамасвами Венкатараман жаноби олийларига

Жаноби олийлар!

Буюк Ҳиндистоннинг миллий байрами — мустақиллик кўни муносабати билан Сизга Ўзбекистон халқи номидан ва шахсан ўз номидан самимий қўтловлар йўллайман.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида қадим асрларда бошланган аниъанавий дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик исқала халқимиз манфаатлари йўлида бундан буюн ҳам мустақамлашиб, ривожланиб бораверадиган, деб ишонч билдиришга икзоат этгайсиз.

Масъулиятли фаолиятингизда сизга муваффақият, Ҳиндистон халқига эса — тинчлик, равнақ ва омон-есонлик тилайман.

Эътироз билан

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президентини.

## Навбатдаги мажлис

Яқинда КПСС Марказий Комитети Котибятининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда миллионлаб кишиларнинг ҳаётини таъминлаш, уларнинг аҳоли муҳокама қилинид.

Шулардан бири — куз-қиш даврида шахар ва қишлоқларнинг иссиқлик ҳамда электр энергияси билан таъминлашдир. Афсуски, ҳозирнинг ўзидаёқ СССР Ягона энергетика тизимини бўлиб юборишга уринишлар кўзга ташланмоқда. Бир қанча жойларда энергия билан таъминлаш ўзбошимча-

лик билан тўхтатиб қўйилган. Сановатда, қурилиш ва транспортда электр ва иссиқлик энергиясидан тежаб-тегаб сарфлаш масалаларига эътибор қамайилмоқда.

Ҳўш, партия комитетлари ва ташкилотлари бу соҳада нима қилишлари мумкин ва нима қила оладилар? Муҳокама чоғида айтилган фикрлар ва тақлифларнинг ҳисобга олиб, шу масала юзасидан СССР Олий Кенгашига, СССР Вазирилар Маҳкамасига, шунингдек, маҳаллий партия комитетларига бўл муҳим тармоқдаги аҳолини барқарорлаштиришга, халқ ҳўжаллиги ва аҳолини иссиқлик ҳамда электр энергияси билан таъминлашга қаратилган таъминлаш бўлимига қўриш зарур. Қабул қилинган қарорда ушбу масала юзасидан партия комитетларига таъсиллар берилди.

Мамлакатдаги фахрийлар ҳаракатига алоқадор муаммолар билан фикрлашиб олинди. Наҳтида партия комитетларининг уруш, меҳнат ва СССР Куролини Қуларини фахрийлари ташкилотлари билан алоқаларини ва баҳамжиҳат ҳаракатларини мустақамлашга қаратилган чора-тадбирлар тасдиқланди.

Котибят мажлисида қадрлар масалалари ҳам кўриб чиқилди.

### ЎЗБЕКИСТОН—ПОКИСТОН: АМАЛИЙ АЛОҚАЛАР

Тошкентда Покистон Ислам Ҳўмҳўриятининг 44 йиллигига бағишланган тантанали йилги бўлиди. Унда Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги ўзаро муносабатларни кенгайтириш ва мустақамлаш тўғрисида гапирилди.

«Тошкент ишбилармонлар учрашуви» ва бундан бир йил илгари тузилган «Ўзбекистон-Покистон» жўмҳўрият жамаити делегациясининг Покистонга сафаридан сўнг икки жўмҳўриятнинг алоқаларини янада мустақамлашганлиги таъкидланди. Ушбу сафар чоғида жўмҳўриятлар ва аниқ корхоналар ўртасидаги амалий ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

«Ўзбекистон-Покистон» Ўзбекистон жамаити делегация-

сининг аъзолари сафар вақтида покистонлик ёш олимларнинг Ўзбекистон дориндузуларида иш ўрганиш масалалари, Тошкент давлат дориндузуни талабалари ҳамда муаллимлари ва «Ҳамдард» илмий маркази делегацияларини бири-бирига юбориш масалалари юзасидан фикрлашиб олдидлар. Лаҳор билан Самарқанд ўртасида бирдорлик алоқаларини ўрнатиш масалалари ҳам тилга олинди. Ўзбекистон ва Покистон ўртасида бевосита ҳаво йўлини очиб тақлиф қилинди. Буларнинг ҳаммаси иқтисодий, фан ва маданият соҳасида Совет-Покистон муносабатларини мустақамлашга қўмаклашишни таъкидланди.

(ЎзТАГ).





